

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“ҲИСОБ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ” КАФЕДРАСИ

Фирма ва компанияларнинг молиявий барқарорлигининг таҳлили

РЕФЕРАТ

Илмий раҳбар: ўқ. Абдуллаев А.

**Бажарди: ХБА-90 гуруҳ талабаси
 Ҳакимов Санжар**

Тошкент - 2013 йил

Фирма ва компанияларнинг молиявий барқарорлигининг таҳлили

Режа

Кириш

1. Фирма ва компанияларда молиявий барқарорлиги таҳлилининг вазифалари
2. Молиявий барқарорлик таҳлили
3. Тулов қобилияти ва ликвидлилик таҳлили

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Фирма ва компанияларнинг молиявий барқарорлиги таҳлилининг вазифалари

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири - бу бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Бу масалани ижобий ҳал этишда компанияларнинг хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш катта рол ўйнайди. Чунки хужаликлар фаолиятини таҳлил қилиш бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бозор муносабатлари даврида бу шартнинг асосий қисми бўлиб хужаликлар молиявий барқарорлигининг таҳлили ҳисобланади.

Хужаликларнинг молиявий барқарорли бу:

- комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади, улар хужаликларнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;
- хужаликлар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлик натижасидир;
- хужаликларнинг мўътадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;
- хужаликларнинг бошқа хўжалик субъектлари, органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ҳақиқий акс эттиришидир.

Хужаликларнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу хужалик билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва хужаликларнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман хужаликларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар: иқтисодий назария, макро ва микро иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг, статистика, бухгалтерия ҳисоби,

аудит, молия, кредит, пул муомаласи ва бошғалар ташкил этади. Демак, таҳлилчи мутахассис-аудиторлар кенг иқтисодий билмга эга бўлишлари лозим. Хужаликларнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш, яъни молиявий таҳлил – бу куп кўрсаткичлар Ёрдамида, комплекс усулларидан фойдаланиб хужаликларнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Кўриниб турибдики, молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб ва муҳим бўлганлиги сабабли у бир қанча талабларга асосланган бўлиши лозим. Юқорида кўрилган талабларга асосланиб, молиявий таҳлил хужаликларнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилиши керак:

1. Хужаликларнинг молиявий даражасини баҳолаш;
2. Молиявий ҳолатнинг ўзгаришини аниқлаш;
3. Хужаликнинг тўлов қобилиятига баҳо бериш;
4. Молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш;
5. Хужаликнинг молиявий барқарорлиги ва молиявий мустаҳкамлигига баҳо бериш;
6. Хужалик баланси ликвидлигига баҳо бериш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
7. Айланма маблағлар айланишига баҳо бериш;
8. Хужаликларда кўлга киритилган молиявий ҳолат даражасини ифодалаб, бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятларни, мавжуд захираларни кўрсатиб бериш.
9. Хужаликларда ҳали фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш мақсадида тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш.

Хужаликлар фаолиятини ўрганишда бухгалтерия ҳисоботи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Улар молиявий маълумотларнинг умумлаштирилиши

натижасида тузилади ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бир-бирини ўрганиш воситаси бўлади.

Бозор иқтисоди шароитида жавдал, жамоа, қўшма, кичик ҳиссадорлик, хусусий ва бошқа шаклдаги мулкка эга бўлган хужаликлар молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, хусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатга бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Хужаликларнинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан - баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Барқарорлик бўлган жойда барча хўжалик муомалалари ва ҳисоб-китоблар ўз вақтида бажарилади. Шу боис бозор шароитида ҳар қандай хужаликнинг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

Молиявий барқарорликнинг таҳлил қилишнинг услубий ҳамда ҳуқуқий асослари қуйидагилар ташкил этади: Қзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, Қзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги Қонуни, Қзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тқғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), “Банкротлик тқғрисида” (янги таҳрирда) (ҚзР 24.04.2003 й. 474-II-сон Қонуни билан тасдиқланган) (Мазкур Қонунга ҚзР 20.12.2005 й. ҚРҚ-15-сон Қонунига мувофиқ қзгартиришлар киритилган), Қзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4-апрел ПҚ-615-сон қарори «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кқрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тқғрисида», Қзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (кейинги қзгаришлар билан бирга) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тқғрисида»ги Низом, Қзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва

аудиторлик текширувларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида», Қзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2008 йиллар, “Аудитнинг халқаро стандартлари”, Қзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2008 йиллар, Қзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи: «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тқлдириш бқйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида», Қзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 6 майдаги 45-сонли буйруғи: «Қзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тқлдириш бқйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-иловасига қзгартириш ва ққшимчалар киритиш тўғрисида, 1998 йил 9 апрел. Қзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Иқтисодий ночор хужаликларда санация қтказиш даврида молиявий ғрдам ққрсатишнинг тартиби” йқриқномаси, 1997 йил 20 июл, Қзбекистон Республикаси Ҳукумат комиссиясининг “Хужаликларининг банкротлиги ҳамда соғломлаштириш масалалари бқйича” йқриқномаси, 1997 йил 17 апрел, Қзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг “2001 йил 1 январ ҳолати бқйича асосий фондларни қайта баҳолашни қтказиш тартибига қзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Низом, 2000 йил, Қзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти (22-сон БҲМС) “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”. 2004 йил. Қзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хужаликлар иқтисодий ночорлигининг белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими” тўғрисидаги Қарори, 1999 йил 26 июл, Қзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хужаликларни соғломлаштириш ҳамда тқлов қобилиятлилигини тиклаш бқйича намунавий молиявий режа”, 1997 йил 31 март. Кичик ва қрта хужаликларнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш Тартиби Хужаликлар молия-хужалик фаолиятининг мониторинги ва таҳлилини қтказиш Тартиби кабилар.

2. Молиявий барқарорлик таҳлили

Бозор шароитида молиявий барқарорлик ва тўловга қобилиятлилиқ корхонанинг муҳим иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Молиявий барқарорлик балансдаги маълумотлар асосида ўрганилади. Ундаги кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаб, маблағлар ўртасидаги нисбат ва ўзаро боғланиш аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлиги бир қатор муҳим кўрсаткичлар асосида урганилади. Уларни тартиб асосида куриб чиқамиз.

Маълумки молиявий таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳқжалиқ мулки, захиралари ва харажатларни ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, яъни хом-аш^а ва материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар ва комплектловчи буюмлар, конструкция ва деталлар, иккиламчи материаллар ва ўрнатилган асбоб-ускуналар, эҳти^ат қисмлар, парвариш ва боқувдаги чорва моллари, уру^и ва ем-хашак ва бошқалар киради. Улар ҳужалиқнинг бир меъ^арида ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек, захира ва харажатлар таркибига ўсимлиқ ва чорвачилиқ бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, тай^ар маҳсулот ва бошқалар ҳам киради. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим бўлади. Қуйидаги жадвалда ҳужалиқ мулкининг ҳажми ва таркиби келтирилган.

Жадвал маълумотларидан куринадики ҳужалиқда жами мол мулк 16801 минг сумга камайган. Бунга узоқ муддатли активларнинг 2533 минг сқмга, жорий активларнинг 14 268 минг сқмга камайиши таъсир этган. Жорий активлар таркибида захира ва харажатлар 20849 минг сумга, дебитор қарзлар эса 6089 минг сумга кескин камайган. Бу борада ҳужалиқни ҳолати яхши эмас.

Балансинг пассив қисмида ҳужалиқ маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади.

“ Олтин” фирмаси бухгалтерия баланси
активининг тахлили

№	Мол- мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Узгариши (+,-)		
		минг сум	%	мин г сум	%	минг сум	%	Йил бошига нисбата н %
	1	2	3	4	5	6=4-2	7=5- 3	8
1	Узок муддатли активлар	36185	46,6	33 652	55,3	- 2 533	8,7	- 3,3
2	Жорий активлар	41474	53,4	27 207	44,7	- 14 268	- 8,7	- 18,4
	Шу жумладан							
а)	Захира ва харажатлар (140+190+200)	23 728	30,6	2 879	4,7	- 20 849	- 25,8	- 26,8
б)	Пул мабаглари ва кимматли коғозлар (320+370+380)	6 818	8,8	19 485	32,0	12 667	23,2	16,3

	1	2	3	4	5	6=4- 2	7=5- 3	8
1	Узлик маблаглари манбалари	70 907	91	44 116	72	- 2679 2	- 19	- 34
2	Мажбуриятлар	6 752	9	16 743	28	9991	19	13
	Шу жумладан							
а)	узук муддатли кредит ва карзлар (570.580.590)	1 650	2	-	-	- 1 650	- 2	- 2
б)	киска муддатли кредит ва карзлар 730.740	-	-	-	-	-	-	-
в)	кредиторлик карзлари (770)	5 102	7	16 743	28	1164 1	21	228
	Баланс пасивининг ЖАМИ	77 659	10 0	60 859	100	- 1680 1	-	- 22

Манба: Сарюсиғ туманидаги “ Олтин ” фирмаси бухгалтерия ҳисоби тизими маълумотлари

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики хужаликда Узлик маблаглари манбалари - 26792 минг сумга кескин камайган. Мажбуриятлар эса 9991 минг сумга купайган. Бу борада хужаликдаги ахвол ёмонлашган.

Молиявий барқарорлик таҳлилида айланма маблағларни қоплашга ўзлик манбаларининг етарлилиги Ёки етишмаслигини таҳлили

Қуйидаги жадвалда заҳира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларнинг етарлилигини аниқлаш услуби келтирилган.

3-жадвал

**Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли манбалар билан
таъминланганликни таҳлили**

№	Курсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи
	1	2	3	4=3-2
1	Ўзлик маблағларнинг манбалари	70 907	44 116	- 26 792
2	Ўзок муддатли активлар	36 185	33 652	- 2 533
3	Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари (1-2)	34 722	10 464	- 24 259
4	Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик ва ўзок муддатли қарз маблағлари (3+4)	36 372	10 464	- 25 909
5	Қиска муддатли кредит ва қарзлар	-	-	-
6	Заҳира ва харажатларнинг жами	23 728	2 879	- 20 849
7	Заҳира ва харажатларни	10 994	7 585	- 3 410

	коплашга узлик манбаларнинг етарлилиги ёки етишмаслиги (3-5)				
8	Захира ва харажатларни коплашга узлик ва узок муддатли карз манбаларининг етарлилиги ёки етишмаслиги (3 6)	12 644	7 585	-	5 060
9	Захира ва харажатларни коплашга жами манбаларнинг етарлилиги ёки етишмаслиги (3 7)	12 644	7 585	-	5 060

Манба: Сарйосиғ туманидаги “Отин” фирмаси бухгалтерия ҳисоби тизими маълумотлари

Жадвал маълумотларидан куринадики хужаликда Захира ва харажатлар уларни коплашга тегишли манбалар билан таъминланганлик ҳолати мавжуд. Бироқ улар утган йилга нисбатан камайган.

Бозор шароитида молиявий барқарорлик ва тўловга қобилиятлилик хужаликнинг муҳим иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Молиявий барқарорлик балансдаги маълумотлар асосида ўрганилади. Ундаги кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаб, маблағлар ўртасидаги нисбат ва ўзаро боғланиш аниқланади. Хужаликнинг молиявий барқарорлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар қуйидагилардан иборатдир:

1. *Жами маблағдаги хужаликнинг ўзига қарашли маблағ улушини қанчалигини ҳисоблашдир ёки бу қуйидаги тартибда топилди:*

(A) хужаликнинг ўзига қарашли маблағ

жами маблағ (баланс жами)

Бунда ўзига қарашли маблағ қанчалик кўп бўлса, шунчалик молиявий барқарорлик юқори бўлади.

2. Хужаликдаги ўзига қарашли маблағ билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат ϵ ки бу қуйидаги тартибда топилади:

қарзга олинган маблағ

(B) -----

ўзига қарашли маблағ

Ўзига қарашли маблағ улуши ортган сари молиявий барқарорлик кучая боради.

3. Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффициенти, яъни узоқ муддатли қарз маблағларини хужаликнинг ўзига қарашли ва қарз маблағлар суммасининг йиғиндисига бўлинади ϵ ки бу қуйидаги тартибда аниқланади:

узоқ муддатга олинган қарз маблағ

(B) -----

**хужаликнинг ўзига+узоқ муддатга олинган
қарашли маблағ қарз маблағ**

4. Хужаликнинг ўзига қарашли маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик коэффициенти ϵ ки бу қуйидагича топилади:

ўзига қарашли айланма маблағ

(B) -----

ўзига қарашли жами маблағ

5. Эскиришининг жамланиш коэффициентини ϵ ки бу қуйидагича топилади:

асосий воситаларнинг эскириш суммаси

(Д) -----

асосий воситалар + номатериал актив

Бу кўрсаткич баланс маълумотлари бўйича топилади:

6. Хужалик мулки таркибидаги асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффициентини, бу кўрсаткич баланс маълумотлари асосида ҳисобланади ва қуйидагича топилади:

асосий воситалар (қолдиқ баҳода)

(Е) -----

жами соф мулк

7. Хужаликдаги жами мулкнинг ҳаракатчанлиги (чаққонлик)

коэффициентини, бунини ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

айланма маблағлар (захира ва пул маблағлари)

(К) -----

жами мулк (баланс жами)

4-жадвал

Молиявий коэффициентлар таҳлили

№	Курсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Узгариши (+,-)
----------	---------------------	-------------------	--------------------	-----------------------

	1	2	3	4=3-2
1	Молиявий мустакиллик коэффициенти 480/400	0,91	0,72	- 0,19
2	Тулов кобилиятлилик коэффициенти 390/770	6,14	1,62	- 4,52
3	Карз ва узлик маблаглар уртасидаги нисбат коэффициенти (770-2жад.а)/480	0,07	0,38	0,31
4	Захира ва харажатларни узлик манбалар билан копланганлик коэффициенти (480+2жад.а)/2жад.а	1,53	3,63	2,10
5	Маблагларнинг чаккон харакатчанлик коэффициенти (480+2жад.а-130)/480	0,51	0,24	- 0,28

Манба: Сарюсиғ туманидаги “ Олтин ” фирмаси бухгалтерия ҳисоби тизими маълумотлари

Жадвал маълумотларидан куринадики хужаликда молиявий коэффициентлар пасайиш ҳолатини кўрсатмоқда. Лекин, Захира ва харажатларни коплашга тегишли манбалар билан таъминланганлик коэффициенти кескин ошган.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш хужаликнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва унинг аҳволини баҳолашга ёрдам беради.

3. Тулов қобилияти ва ликвидлилик таҳлили

Тўлов қобилияти дейилганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларни бажариш учун зурур бўлган маблағларни етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хужаликларнинг тўлов қобилиятига эга бўлиши муҳим ва бу унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди. Хужалик баланси маълумотларга асосланиб, тўлов қобилиятининг қай аҳволдаги ҳисобланади. Бунинг учун хужаликнинг тўлаш учун зарур бўлган маблағлари билан қарз мажбуриятларини солиштириш мумкин.

Хужаликнинг тўлов лаҳқатини баҳолашда одатда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- Мутлоқ тўлов лаҳқати коэффициентини;
- Оралиқ тўлов лаҳқати коэффициентини;
- Жорий тўлов лаҳқати коэффициентини.

4-жадвал

Хужаликнинг тўлов лаҳқати кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби

Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Изоҳ
1	2	3
1. Мутлоқ тўлов лаҳқати коэффициентини	$K_M = \frac{ПМ + \ddot{i}}{\ddot{i}MM}$	ПМ- пул маблағлари \ddot{i} - қимматли қорғозлар $\ddot{i}MM$ - қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари
2. Оралиқ тўлов лаҳқати	ПМ + \ddot{i} + ДМ	ДМ- дебиторлик

коэффициенти	$K_0 = \frac{\dots}{iMM}$	мажбуриятлари
3. Жорий тўлов лаҳқати коэффициенти	$K_{ж} = \frac{ПМ + i_i + ДМ + ТМЗ}{iMM}$	ТМЗ- товар-моддий заҳиралар

4 жадвал

“ Олтин ” фирмасининг тўлов қобилиятини таҳлили

№	Кўрсаткичлар	сатр рақами	йил бошига	йил охирига	Фарқи (+,-)
1	Пул маблағлари	320	6611	19485	12874
2	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	370	0	0	0
3	Дебиторлик қарзлари	210	10928	4842,5	-6085,5
4	Товар-моддий заҳиралар	140	23728	2879	-20849
5	Қисқа муддатли мажбуриятлар	600	5102	16743	11641
6	Мутлоқ ликвидлилик		1,30	1,16	-0,13

	коэффициенти				
7	Оралиқ қоплаш коэффициенти		3,44	1,45	-1,98
8	Умумий қоплаш коэффициенти		8,09	1,62	-6,46
9	Қисқа муддатли мажбуриятларда захира ва харажатларнинг тутган улуши		4,65	0,17	-4,48

Манба: Саросиғ туманидаги “ Олтин ” фирмасининг бухгалтерия хисоби тизими маълумотлари

Жадвал маълумотларидан куринадики хужаликда тулов қобилияти барча курсаткичлар буйича утган йилга таққослаганда пасайган. Лекин, хужаликда тулов қобилияти мавжуд.

Хужалик балансининг ликвидлилик даражасига ҳар хил омиллар, хужалик активларининг, пасивларининг таркибий ўзгариб туришлари таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг таъсирини билиш учун баланс ликвидлигини таҳлил қилишда яна бир гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Хулоса

Мавзу бқйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Фермер хужаликларида молиявий барқарорликни ифодаловчи кқрсаткичлар акс эттирағтган объектларни янада кенгайтириш зарур. Бунинг учун, корхонани молиявий қарамлик даражасини ҳам қрганиш керак деб ҳисоблаймиз. Ушбу кқрсаткични, яъни молиявий қарамлик коэффицентини ҳисоблаш учун қуйидаги таклифимизни билдирамиз.

Корхонанинг мажбурятлари

Жами маблағ (баланс жами)

Ушбу кқрсаткич корхонани қанчалик молиявий қарамлигини яъни мажбурлигини кқрсатиб беради. Коэффицентни тобора пасайиб бориши ижобий ҳолат деб қаралади.

Умид қиламизки, биз томонимиздан билдирилган таклифлар мавзуга оид айрим масалаларни бартараф этиб уларни давр талаблари асосида такомиллаштиришга ғрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рқйхати

1. Қзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Қзбекистон”, 1999.
2. Қзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Финансовое Законодательство Республики Узбекистан, 2009. – 160 с.
3. Қзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги Қонуни 1996 йил 30 августь.
4. Қзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тқғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 йил 26 май //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
5. “Банкротлик тқғрисида” (янги таҳрирда) (ҚзР 24.04.2003 й. 474-II-сон Қонуни билан тасдиқланган) (Мазкур Қонунга ҚзР 20.12.2005 й. ҚРҚ-15-сон Қонунига мувофиқ қзгартиришлар киритилган).
6. “Дальнейшая модернизация и обновление страны – требование времени” доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании кабинета министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2008 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2009 год. Народное слово, 14 февраля 2009 года.
7. Каримов Ислон Абдуғаниевич. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Қзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йқллари ва чоралари. –Т.: Қзбекистон, 2009. 15 б.
8. “Аудитнинг халқаро стандартлари” –Т.: ҚБАМАнинг Нашрифт - маълумот Маркази, 2006 йил. – 206 б.
9. Бычкова С.М. Информационные технологии в бухгалтерской учете и аудите: Учебное пособие.-М.: «Прспект», 2005. – 216 стр.

10. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. –Т.: “Шарқ”, 2002. - 224 б.

11. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т. Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлилнинг хусусиятлари. –Т.: ТМИ. 2004, -148 б.

12. Мазуренко А.А Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. -М.: КНОРУС, 2005. -240 с.

13. Чая В.Т. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебное пособие. -М.: НОРУС, 2005. -240 с.

14. Шагиясов Т.Ш. и другие. Финансовый и управленческий анализ. /Учебник. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. -352 с.

15. Интернет сайтлари

<http://www.Gov.uz/>

<http://www.Pravo.uz/>

<http://www.Zionet.uz/>

<http://www.Stat.uz/>

<http://www.audit-it.ru/>

<http://www.analitic.ru/>